



PROSPECTS FOR IMPROVING THE ACTIVITIES OF LOCAL COUNCILS IN UZBEKISTAN

Bakhtiyor Abdullaevich Shodmonov

Doctoral student

Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: bakhtiyorshodmon.uz@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Public administration, local administration, local government bodies, local representative bodies, local councils, local executive bodies, khokim, standing committees of local councils.

Received: 10.06.24

Accepted: 12.06.24

Published: 14.06.24

Abstract: Today, the main part of the reforms being implemented in our country is aimed at the gradual abandonment of centralized management and the development of local government based on the concept of decentralization, increasing the status and influence of local government bodies. Therefore, in a number of important regulatory documents adopted or updated in recent years, the issue of improving the activities of local representative bodies, expanding their powers and turning them into a real “voice” of the people has become a priority. Based on this, this article analyzes organizational issues of improving local councils in Uzbekistan and the reforms implemented in recent years, as well as the work carried out in legislation in this area. Our ideas and proposals for developing a concept for the development of activities of representative bodies of local government in Uzbekistan until 2030 are also described.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бахтиёр Абдуллаевич Шодмонов

таърих докторанти

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: bakhtiyorshodmon.uz@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий вакиллик органлари, маҳаллий Кенгашлар, маҳаллий ижро органлари, ҳоким, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари.

Аннотация: Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий қисми номарказлаштириш концепцияси асосида марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш ва маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мақоми ва нуфузини оширишга қаратилган. Шу сабабли сўнгги йилларда қабул қилинган ёки янгиланган бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатларда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколат доирасини кенгайтириш ва уларни халқнинг чинакам “овози”га айлантириш масаласи устувор аҳамият касб этган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада Ўзбекистонда маҳаллий Кенгашларни такомиллаштиришнинг ташкилий масалалари ва бу бўйича сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, бу соҳада қонунчиликда амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир фикр ва таклифларимиз баён қилинган.

**ПЕРСПЕКТИВЫ УЛУЧШЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ СОВЕТОВ В
УЗБЕКИСТАНЕ**

Бахтиёр Абдуллаевич Шодмонов

Докторант

Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

E-mail: baxtiyorshodmon.uz@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Государственное управление, местная администрация, местные органы государственной власти, местные представительные органы, местные советы, местные исполнительные органы, хаким, постоянные комиссии местных советов.

Аннотация: Сегодня основная часть реформ, реализуемых в нашей стране, направлена на постепенный отказ от централизованного управления и развитие местного управления на основе концепции децентрализации, повышения статуса и влияния местных органов государственной власти. Поэтому в ряде важных нормативных документов, принятых или обновленных в последние годы, приоритетным стал вопрос

совершенствования деятельности местных представительных органов, расширения их полномочий и превращения их в настоящий «голос» народа. Исходя из этого, в данной статье анализируются организационные вопросы совершенствования местных советов в Узбекистане и реформы, реализованные в последние годы, а также работа, проводимая в законодательстве в этой сфере. Также описаны наши идеи и предложения по разработке концепции развития деятельности представительных органов местной государственной власти в Узбекистане до 2030 года.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кейинги ривожланиш йўли сифатида эркин, бозор муносабатларига асосланган, демократик ҳуқуқий жамият қуришни ўз олдига мақсад қилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида давлат бошқаруви марказлашган, қатъий, вертикал йўналишда олиб борилди. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқарувини вакиллик демократияси асосида вертикал бошқарувдан горизонтал бошқарувга ўтказиш давлатнинг кейинги ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган улкан вазифалардан бири бу ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайдиган усул ва услубларни такомиллаштириб, ўта марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш лозим... Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан – фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш зарур. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланишимиз керак. Давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш зарур. Бунинг учун кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш керак [1].

Шу сабабли, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий қисми номарказлаштириш концепцияси асосида марказлашган бошқарувдан босқичма-босқич воз кечиш ва маҳаллий бошқарувни ривожлантириш, бунинг учун эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мақоми ва нуфузини ошириш муҳим вазифага айланган. Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда қабул қилинган ёки янгиланган бир қатор муҳим меъёрий ҳужжатлар, Жумладан: “Ҳаракатлар стратегияси”, “Маъмурий ислохотлар концепсияси”, “Тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон – 2030”

стратегияси ва янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ваколат доирасини кенгайтириш ва уларни халқнинг чинакам “овози”га айлантириш масаласи устувор аҳамият касб этган. Жорий йилнинг 2 феврида эълон қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сонли Президент Фармони Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Фармонда маҳаллий Кенгашлар зиммасига вазифа ва функциялар фақатгина қонун ҳужжатлари билан юкланиши мумкинлиги ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан маҳаллий Кенгашлар фаолиятига аралаштиришга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди. Ундан ташқари, маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалаларни ҳал қилишдаги ролини ошириш мақсадида, халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат ва функцияларини тизимлаштириш, бир қатор ваколатларни маҳаллий Кенгашларга ўтказиш ва “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича “йул харитаси” тасдиқланди [2].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда 2024 йилининг 1 октябрга қадар Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам қўйилган. Концепцияни ишлаб чиқишда халқаро тажрибани ўрганган ҳолда хорижий давлатларнинг етакчи экспертларини жалб қилиш орқали илғор демократик тамойилларни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига сингдириш ва бу орқали Ўзбекистондаги вакиллик демократиясини янада юқори босиққа кўтариш мақсад қилинган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ушбу мақолада Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир ўзимизнинг таклиф ва хулосаларимизни баён қилдик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарорлари ва нутқларидан методологик манба сифатида фойдаланилди. Ўзбекистонда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилишда асосан контент таҳлилидан, шунингдек, илмий билишнинг анализ, синтез, тарихийлик ва мантиқийлик усулларидан фойдаланилди.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир фикр ва таклифларимизни баён қилишдан олдин шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти ҳали ҳамон 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинади. Фикримизча, ишни аввало ушбу соҳадаги қонунчиликни янгилашдан бошлаш зарур.

Президентимиз ўзининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “Маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни, ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур” [3] деган эди. Ундан ташқари 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг ПФ-67-сонли Фармонида ҳам “Янги таҳрирдаги Конституция талабларидан, шу жумладан, ҳоким ва Кенгаш раиси лавозимлари ажратилаётганлигидан келиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Қонунчилик палатасига киритиш” [4] вазифаси ҳам қўйилган эди, аммо, ушбу вазифа ҳали бажарилмади.

Янги таҳрирдаги конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига оид нормалар янгилашиб, демократик принциплар янада мустаҳкамланган бўлсада, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳали ҳамон 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонун билан тартибга солиниши янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларга мос келмайди. Шу сабабли, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига 2022 йил декабрда жойлаштирилган “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида” [5] ва “Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида” [6] қонун лойиҳаларини янада такомиллаштирган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

2023 йил 30 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига “Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас” [7] деган норманинг киритилиши демократияни мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам деб эътироф этиш мумкин. “Халқ депутатлари Кенгашларининг сессиясига ҳокимларнинг раҳбарлик қилиши ҳокимиятнинг бўлиниши принципи талабларига тўғри келмайди. Чунки ҳаётий тажрибадан маълумки, раислик қилувчи имконияти борича ўзига маъқул ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Ҳоким сессияга раҳбарлик қилгач, у

аввало ижро органлари манфаатига мос ҳужжатлар қабул қилинишига ҳаракат қилади. Шунинг учун сессияга ҳолис кишининг раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир” [8 Б-86].

Конституциямизга “Халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилади” [7] деган норма киритилди-ку, аммо ҳали қонунчилигимизда Халқ депутатлари Кенгаши раисининг ҳуқуқ ва ваколатлари белгилаб қўйилмаган.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ривожлантириш учун аввало Кенгашларнинг ижро органлари устидан назорат функциясини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Кенгашларнинг назорат фаолияти қонунчиликка мувофиқ амалга оширилаётган бўлса-да, ижро органларининг мансабдор шахслари ҳисоботлари бўйича чора кўриш амалиёти суёт амалга оширилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, 20-25 фоиз мансабдорларга ҳисоботи ўтмаган ҳолларда чоралар кўрилмай қолмоқда [9].

Кенгашларнинг ижро органлари устидан назорат функциясини такомиллаштириш учун Кенгаш назорат фаолиятида таъсир чораларини кучайтириш лозим. Амалдаги ҳолатда Кенгашлар ўзи тайинлаган ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортиш, лавозимидан озод қилиш, ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш ҳуқуқига эга [10]. Амалда эса ушбу нормаларнинг механизмлари яхши ишламайди. Ундан ташқари “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ва халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳлари туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган [11]. Бунда ҳам Кенгаш эмас асосан сиёсий партия гуруҳлари ҳуқуқ ва ташаббусга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Шундай ҳолатда маҳаллий Кенгашларга ҳокимлар ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари (ҳудудий солиқ, адлия, таълим, тиббиёт, молия ва бошқа) раҳбарларига нисбатан уларнинг юқори турувчи органларига ишончсизлик вотумини қиритиш тартибини жорий қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Давлат вакиллик органларининг ижро органларига нисбатан ишончсизлик вотуми қиритиш тажрибаси бутун дунёда, хусусан Ўзбекистонда ҳам мавжуд. Ушбу амалиётнинг

маҳаллий даражада ҳам қўлланилиши баъзи давлатларда учрайди. Масалан, қўшни Қозоғистон Республикасининг “Маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасида ҳокимга кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилиги билан ишончсизлик билдириш масаласи қўйилиши мумкин [12].

Нидерландия киролигида ижро ҳокимияти раҳбари – Бургомистр ўз фаолияти бўйича маҳаллий вакиллик органи – Ассамблея олдида масъул ҳисобланади. Бунда Бургомистр Ассамблея олдида вақти-вақти билан ҳисобот ва маълумотлар тақдим этиб боради. Ассамблея ижро ҳокимиятининг бирон бир аъзоси фаолиятдан норози бўлса, унга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириши мумкин [13. Б-121].

Маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини янада такомиллаштириш учун Маҳаллий Кенгашларга ҳисобдор бўлган ҳокимнинг ва давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларга ўз вақтида тақдим этганлигини уларнинг юқори турувчи органлари томонидан ҳисобини юритиш механизмини жорий этиш лозим. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунда ҳокимларнинг йилда бир марта тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этиши, Кенгаш томонидан Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар чорақда эшитиш, ҳудудий адлия бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошлиқларининг ахборотини ҳар ярим йилликда эшитиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар ярим йилликда эшитиш белгиланган [14]. Лекин, ҳоким ёки давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ўз вақтида маҳаллий Кенгашга тақдим этгани ва ушбу ҳисоботнинг маҳаллий Кенгаш томонидан қандай баҳоланганлиги масаласи очик қолмоқда. Шу сабабли ҳокимнинг ва давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларга ўз вақтида тақдим этганлиги ва ушбу ҳисоботнинг маҳаллий Кенгаш томонидан қандай баҳоланганлиги уларнинг юқори турувчи органлари томонидан ҳисобини юритиш механизмини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий Кенгашларнинг фаоллиги, улар фаолиятининг натижадорлиги кўп жиҳатдан Кенгашлардаги депутатларнинг салоҳияти ва ишчанлик қобилиятига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда маҳаллий Кенгаш депутатлари маош олмасдан жамоатчилик асосида фаолият олиб боради. Депутатларнинг кўпчилиги ижро органларида ёки уларнинг назоратидаги ташкилотларда фаолият юритади.

Ҳозирги вақтда вилоят ва туман депутатларининг аксарияти маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари, айниқса, турли давлат тузилмалари раҳбарлари ҳисобланади. Табиий

савол туғилади: депутатнинг ўзи ижро ҳокимияти вакили бўла туриб, маҳаллий ижро органлари фаолияти устидан қандай қилиб самарали депутатлик назоратини амалга ошириши мумкин? [15]

Бу маҳаллий Кенгашларнинг ижро органлари устидан назорат функциясини амалга оширишга бирмунча тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли Маҳаллий Кенгашлар депутатлари бир қисмни доимий ишлашга ўтказиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Халқ депутатлари Кенгашида доимий асосда ишловчи депутатлар корпусини шакллантириш масаласи “Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 21-моддасида [16] ҳам белгиланган эди, лекин ушбу қонун лойиҳаси ҳали Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилмаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари жамоатчилик асосида, ойлик маош олмасдан фаолият кўрсатиши кўп ҳолларда депутатларнинг ўз фаолиятига маъсулиятсиз ёндошиши ёки ўзини номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқаларига беписанд муносабатда бўлиш ҳоллари амалиётда кўп учрамоқда. Бундай ҳолатлар маҳаллий Кенгашларнинг фаолияти самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли Кенгашлар томонидан қониқарсиз фаолият кўрсатаётган ёки ўзини номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқани узган депутатларни ваколатини муддатидан аввал тугатиш асосларини такомиллаштириш лозим. Амалдаги қонунчиликка кўра “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунда депутатнинг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкинлиги белгиланган. Депутат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берган тақдирда, депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда, депутатга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, чақириб олинган тақдирда, суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда, депутат суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда, вафот этган тақдирда ва алоҳида ҳолларда депутатнинг ваколатлари депутат деган юксак номга доғ туширувчи хатти-ҳаракатлар содир қилинган вақтда халқ депутатлари Кенгаши қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин [17]. Таъкидланганидек, депутат ўзини номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқани узган тақдирда амалдаги қонунчиликда сиёсий партияларда депутатни чақириб олиш ҳуқуқи йўқ.

“Сайловдан кейин аксарият депутатлар ўзларини номзод этиб кўрсатган партия билан алоқани узиб, ўз сайловчилари билан камдан-кам мулоқот қилади. Айниқса, туман Кенгашлари депутатлари электорат олдида сайловолди дастурлари ижроси бўйича умуман

ҳисобот бермайди. Шунинг учун ҳам фаол ишламаётган ва ўз вазифасини талаб даражасида бажармаётган, партия билан алоқани узиб қўйган маҳаллий Кенгаш депутатларини тегишли сиёсий партия таклифи асосида депутатликдан чақириб олиш бўйича қонунчиликка ўзгартиш киритиш вақти келди, деб ўйлайман” [18] деган эди президентимиз, ўзининг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида.

Шу сабабли қониқарсиз фаолият кўрсатаётган ёки ўзини номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқаларини узган депутатни ўша сиёсий партия томонидан муддатидан олдин депутатликдан чақириб олиш бўйича тегишли Кенгашга сўров киритиш ҳуқуқини бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Маҳаллий Кенгашлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини ҳам такомиллаштириш лозим. Бунинг учун маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари сонини ҳам оптималлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Олий Мажлиси Сенатининг қарорининг 87-моддасига биноан маҳаллий Кенгашларда 8 та доимий комиссия тузилиши белгиланган [19]. Сайлов кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, унинг 88-моддасида “Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик ўринлари сони аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда, аҳоли сони ўттиз минг нафаргача бўлган ҳудудларда — ўнтадан ўн бештагача, аҳоли сони ўттиз мингдан юз минг нафаргача бўлган ҳудудларда — ўн бештадан йигирматагача, аҳоли сони юз мингдан уч юз минг нафаргача бўлган ҳудудларда — йигирматадан йигирма бештагача, аҳоли сони уч юз минг нафардан ортиқ бўлган ҳудудларда — йигирма бештадан ўттизтагача” қилиб белгиланди [20]. Аҳоли сони ўттиз минг нафаргача бўлган ҳудуддаги маҳаллий Кенгашда 8 та доимий комиссияни тузиш учун баъзи давлатларнинг доимий комиссияларни камида 3 та депутат таркибида тузиш қондаси инобатга олинса [21. Б-53] депутатлар сони ҳам етмайди.

Шу сабабли маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари сонини доимий комиссиялар шуғулланадиган соҳаларни кенгайтириш орқали (масалан: маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияни шу масалаларга яқинроқ бўлган sanoat, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия билан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияни ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик

масалалари бўйича доимий комиссия билан бирлаштирган ҳолда) оптималлаштириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ёки қонунчиликка бир депутатнинг камида битта ва кўпи билан иккита комиссия аъзоси бўла олиши мумкинлиги ҳақидаги нормани ҳам киритиш мумкин.

Ўзбекистонда депутатларнинг маҳаллий вакиллик органларида фақат битта доимий комиссия таркибида фаолият юритиши белгиланган. Бу кенгашларда етарли жой ололмаган сиёсий партия вакилларининг баъзи комиссиялар фаолиятида тўлақонли иштирок этишини чеклаши мумкин. Мисол учун, Россия Федерацияси Юторск шаҳар Думасида ҳар бир депутат битта комиссия таркибида фаолият кўрсатишга мажбур бўлиб, икки ва мустасно ҳолларда учта комиссия аъзоси бўлиши мумкин [22. Б-49].

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг маъсулиятини ва мавқеини янада ошириш учун вилоят, туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлигига номзодларни тавсия этишда тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари хулосасини олиш тартибини жорий этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Амалдаги қонунчиликка кўра, ҳоким ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан (вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан) келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ва бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли маҳаллий Кенгашнинг тасдиғига киритилади [23]. Ушбу ҳолатда ҳоким ўринбосарларининг халқ ва маҳаллий Кенгаш олдидаги масъулияти амалда жуда суст. Ҳоким ўринбосарлигига номзодларни тавсия этишда тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари хулосасини олиш тартибини жорий этиш Кенгашнинг тегишли комиссиялари ваколати ва масъулиятини, шунингдек, ҳоким ўринбосарларининг халқ ва Кенгаш олдидаги масъулияти оширишга хизмат қилади.

Маҳаллий Кенгашларнинг фаолият самарадорлигини ошириш учун Кенгаш сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этиш юзасидан (Кенгаш раиси, ўринбосари, котибият мудир ва партия депутатлари гуруҳи раҳбарлари таркибидан иборат) “Кенгаш раёсати” институтини жорий этиш ва унинг ваколатларини белгилашни таклиф қиламиз. Амалдаги ҳолатда Кенгаш сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этишнинг ташкилий механизмини мавжуд эмас. Масалан, Кенгаш депутати жиноят содир этган ҳолларда ушбу депутатни дахлсизлигидан маҳрум этишга розилик бериш, сессиялар оралиғида Кенгашнинг ваколатига кирувчи кўпгина масалаларда ҳоким шахсига боғланиб қолиши ва Кенгаш сессиялари оралиғида тезкор ҳал этилиши зарур бўлган масалаларнинг ўз ечимини топишдаги муаммолар мавжуд.

Маълум бир давлат органининг доимий фаолият юритувчи тузилмаси сифатида раёсат ёки кенгаш институти дунёдаги аксарият давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг

қўлланилади. Масалан Олий Мажлис Сенати кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси раёсати, Олий Суд раёсати каби. Маҳаллий Кенгашларнинг ҳам доимий фаолият юритувчи органи сифатида Кенгаш раёсати институтини жорий қилиш маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шуни айтиб ўтишимиз керакки, Янги Ўзбекистонда маъмурий ислохотлар жараёни бошланганидан буён энг катта эътибор давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш ва модернизация қилишга қаратилмоқда. Давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштиришнинг энг биринчи бўғини бу маҳаллий бошқарувни ислох қилиш эканлиги аён ҳақиқатдир. Маҳаллий бошқарувни ислох қилишда эса маҳаллий вакиллик органларига катта имтиёз ва ваколатларнинг берилиши халқ ҳокимиятнинг бирдан бир манбайи эканлигининг исботи дейиш мумкин.

Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда:

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи қунунчиликни янгилаш ва бунда маҳаллий Кенгаш раиси, унинг ўринбосари ваколатларини аниқ белгилаш;

Кенгашларнинг ижро органлари устидан назорат фаолиятини кучайтириш, бунинг учун эса ҳоким ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари раҳбарларига нисбатан уларнинг юқори турувчи органларига ишончсизлик вотумини киритиш тартибини жорий қилиш;

Маҳаллий Кенгашларга ҳисобдор бўлган ҳокимнинг ва давлат бошқаруви ҳудудий органлари раҳбарларининг ҳисоботларини маҳаллий Кенгашларга ўз вақтида тақдим этганлигини уларнинг юқори турувчи органлари томонидан ҳисобини юритиш механизмини жорий этиш;

Халқ депутатлари Кенгашида доимий асосда ишловчи депутатлар корпусини шакллантириш;

Кенгашлар томонидан қониқарсиз фаолият кўрсатаётган ёки ўзини номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқани узган депутатларни ўша сиёсий партия томонидан муддатидан олдин депутатликдан чақириб олиш бўйича тегишли Кенгашга сўров киритиш ҳуқуқини бериш;

Маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш учун маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари сонини оптималлаштириш;

Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларининг мавқеини янада ошириш учун вилоят, туман (шаҳар) ҳоким ўринбосарлигига номзодларни тавсия этишда тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари хулосасини олиш тартибини жорий этиш;

Кенгаш сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этиш юзасидан (Кенгаш раиси, ўринбосари, котибият мудирлари ва партия депутатлари гуруҳи раҳбарлари таркибидан иборат) “Кенгаш раёсати” институтини жорий этиш;

каби таклиф ва хулосаларимиз маҳаллий Кенгашларнинг келгусидаги фаолиятини янада самарали ташкил этишга ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // <https://president.uz/oz/lists/view/1371>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сон Фармони. // <https://lex.uz/pdfs/6789350>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

4. “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-67-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/-6461609>

5. Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида қонун лойиҳаси. // <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>

6. Маҳаллий ижроия ҳокимияти тўғрисида қонун лойиҳаси. // <https://regulation.gov.uz/uz/d/74600>

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. // <https://lex.uz/uz/docs/-6445145>

8. Хусанов.А.Т. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ТДЮУ, 1995. – 263 б.

9. Асадов Ш. Жумабоев Л. Янги Ўзбекистон шароитида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари. // “Жамият ва бошқарув” журнали, 2023 йил, 2-сон. – 192 б.

10. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон. // <https://lex.uz/acts/112170>

11. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.02.2024 й., 03/24/905/0106-сон. // <https://lex.uz/docs/54191>

12. “О местном государственном управлении и самоуправлении в Республике Казахстан”. // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z010000148>

13. Махмудов А.А. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий вакиллик органларининг назорат фаолиятини такомиллаштириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, ТДЮУ, 2019. – 162 б.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон. // <https://lex.uz/acts/112170>

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 13.07.2017. // <https://president.uz/oz/lists/view/781>

16. Маҳаллий вакиллик органлари тўғрисида қонун лойиҳаси. // <https://regulation.gov.uz/oz/d/74612>

17. Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.06.2022 й., 03/22/779/0528-сон. // <https://lex.uz/acts/436950>

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 13.07.2017. // <https://president.uz/oz/lists/view/781>

19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 31.07.2021 йилдаги СҚ-360-IV-сон қарори. // <https://lex.uz/docs/5578238>

20. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон. // <https://lex.uz/acts/4386848>

21. Йўлдошев А.Э. Ўзбекистон республикаси халқ депутатлари кенгашлари доимий комиссиялари: ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини ташкил этиш муаммолари. Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, ТДЮУ, 2005. – 182 б.

22. Ўша жойда.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.12.2023 й., 03/23/883/0949-сон. // <https://lex.uz/acts/112170>